


# Ўзбекистон Республикаси

## Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

## **5230700 – Банк иши ва аудити**

**бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил “14” 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил “14” 08 даги 498 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаби 230 000 – “Иқтисод” таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида малака талабини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

T/p	бет
1. 5230700 – Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
3. 5230700 – Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1. 5230700 – Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2. 5230700 – Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама хажми .....	8
Библиографик маълумотлар.....	9

## **1. 5230700 – Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5230700 – Банк иши ва аудити** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Бу таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабага «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот түғрисидаги давлат намунасидағи расмий ҳужжат(лар) - тегишли йўналиши бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади. *Иқтисод таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишларининг битирувчилари магистратура мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттириш хукуқига эга.* Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий мuddати 4 йил.

### **1.1.Кўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши малака талабининг кўлланилиши.**

Малака талаби 5230700 – *Банк иши ва аудити* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлифи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ҳамда иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитауриентлар, уларнинг отоналари ва бошқа манбаатдор шахслар.

#### **1.2. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

##### **1.2.1. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5230700 – Банк иши ва аудити** – фан ва иқтисод соҳасидаги йўналиш бўлиб, у давлат, акционерлик, қўшма ва хусусий тижорат банкларини бошқариш ва назорат қилиш, аудитдан ўтказиш, уларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш бўйича иқтисодий, ташкилий масалалар ечимларини банкларнинг ривожланиши қонуниятлари ҳамда замонавий концепциялари асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- Узбекистон Республикаси Марказий банки;
- тегишли вазирлик ва идоралар;
- тижорат банклари;
- нобанк кредит ташкилотлари;
- бюджетдан ташқари жамғармалар;
- инвестиция ва суғурта ташкилотлари;
- аудиторлик ташкилотлари;
- акциядорлик жамиятлари;
- давлат ҳокимияти органлари;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари;
- биржалар;
- қўшма корхоналар;
- молия-банк соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар;
- молия-кредит бозорларида фаолият юритувчи муассасалар.

**1.2.3. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- молиявий-иктисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий-тадқиқот;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида).

**1.2.4. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битиравчisi қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Молиявий-иктисодий фаолиятда:**

- банк фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Узбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатларини билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- банк фаолиятида бизнес-режаларни кўриб чиқиш ва лойиха самарадорлигини баҳолаш;
- молия бозорида воситачилик қилиш;
- банк мижозларининг тўлов қобилиятини баҳолаш усусларини билиш ва қўллаш;
- банк соҳасини ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этиш;
- банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- банкларнинг активлари, мажубриятлари, капитали, даромад ва харажатлари ҳамда кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш ва ҳисботларини тайёрлаш;
- молия-банк соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усусларини билиш;
- иктисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- банк тизими фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

- банк тизимидағи күрсаткычлар динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;
- банк фаолиятига доир молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;
- банк хизматларини күрсатишида замонавий ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари воситаларидан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим**.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- банк тизимида корпоратив бошқарув тартиб ва тамойилларини билиш;
- молия-банк тизимиға доир қонунчиликка мувофиқ бошқарув мезонларини англаган бўлиш;
- банк иши ва аудитини тўғри ташкил қилиш ва самарали бошқаришни амалга ошириш;
- банк тизимида молиявий бошқарув ва ходимларни бошқариш стратегияларини билиши ва амалиётда қўллай олиш;
- молия-банк фаолиятидаги муаммоларни ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- молия-банк соҳасининг халқаро ҳамда миллий мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим**.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда молия-банк тизимининг ривожланиш тенденциялари ва кўрсаткычларига баҳо бериш, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислоҳотлар моҳиятини тушуниш ҳамда тадқиқот ишларини улардан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда иқтисодиёт соҳасидаги замонавий услубларни қўллай олиш;
- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-амалий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштириш;
- илмий-тадқиқот натижалари ва янгиликларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан асосланган таклифларни лойиҳа чифатида ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

#### **Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида):**

- умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирав натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим**.

### **2. 5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий

муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- замонавий ахборот ва инновацион технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, рақамли платформалар, web сайтлардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- банк-молия соҳасида фаолиятни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- банк-молия соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фантехника ютукларини, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;

- мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш;

- банк-молия соҳаси фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- банк-молия соҳасида жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

- банк-молия соҳасида фаолият кўрсатиш ва улар фаолиятининг халқаро ҳамда миллий талабларига мос келиши борасида жараёнларни назорат қилиш;

- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

- банк-молия соҳасининг халқаро ҳамда миллий мослигини мониторинг қилиш;

- банк-молия соҳаси фаолиятини режалаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини қидириб топиш;

- банк-молия соҳаси фаолиятини бошқаришнинг замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаш, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш;

- банк-молия соҳаси фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўтказишида замонавий методларни қўллаш;

- банк-молия соҳасида ҳужжатларни расмийлаштириш ва умумлаштириш, молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳамда расмийлаштиришида замонавий методларни қўллаш;

- банк-молия соҳасида жараёнларни ҳисобга олишда, молиявий-хўжалик фаолияти

ва аудит иши сифатини баҳолашда замонавий ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш;

- банк-молия соҳаси фаолиятини таҳлил қилиш;
- молиявий ҳисбот маълумотларидан фойдаланиш;
- бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича банк-молия соҳасининг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш.

### **2.3. Касбий квалификациялар:**

банк менежери, банк маркетологи, банк аудитори, банк бухгалтери, ички назорат ходими, банк молиявий таҳлилчisi, банк агенти, банк операционисти, банкларда қимматли қоғозлар операциялари бўйича мутахассис, аудитор, инвестицион воситачи, банк бизнесини режалаштириш ва стратегияси ходими, банк газначилиги мутахассиси, микромолиялаштириш ва микрокредитлаш бўйича мутахассис, банк корпоратив бошқарув ходими, валюта операциялари бўйича мутахассис, пул муомаласи бўйича мутахассис, банк касса ходими, фронт-офис ходими, бэк-офис ходими, банк карталари бўйича мутахассис, чакана банк хизмати мутахассиси, биржа агенти, молиявий маслаҳатчи, консалтинг хизматлари бўйича мутахассис.

## **3. 5230700 – Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

### **3.1. 5230700 – Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофик, талabalар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўкув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўкув жараёни графики, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўкув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### **3.2. 5230700 – Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (қундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгacha қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўкув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми қуидагича тақсимланиши мақсадга мувофик:

Ўкув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртқи шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
Шу жумладан, мустақил таълим	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

## Библиографик маълумотлар

УДК: 399-004.1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

банк, банк тизими, банк ресурслари, капитал, устав капитали, банк капитали, депозит сиёсати, нодепозит операциялар, банк пассивлари, банк активлари, кредит сиёсати, кредит портфели, диверсификация, кредит потенциали, банкларарабо кредит, кредит фоизи, кредит мониторинги, кредит баҳоси, микрокредит, микролизинг, кредит объекти, кредит субъекти, контокоррент, овердрафт, револьвер, кредит карточкаси, ликвидлилик, тўловга лаёқатлилик, инвестиция, қимматли когоз, лизинг, факторинг,repo, андеррайтинг, траст, гаров, фоиз, банк даромади, банк харажатлари, банк фойдаси, кредитга лаёқатлилийк, қиска муддатли кредит, узок муддатли кредит, риск, валюта, валюта тизими, валюта механизми, валюта курси, спот, форвард, фьючерс, опцион, своп, валюта сиёсати, ревальвация, девальвация, валюта интервенцияси, банк ўтказмаси, инкассо, хужжатли аккредитив, чек, тўлов баланси, халқаро кредит, валюта инкирози, банк ҳисоби, банк баланси, ҳисобварақ, мажбурият, бэк-офис, фронт-офис, банк назорати, бош китоб, ёрдамчи китоб, валюта коди, назорат калити, уникал код, электрон тўлов тизими, ностро, востро, ягона вакиллик ҳисобвараги, касса, инициатор банк, бенифициар банк, ссуда ҳисобвараги, инкассация, инкассатор, асосий восита, номоддий актив, амортизация, инвентаризация, ҳисбот, банк аудити, аудитор, ички аудит, ташқи аудит, стандарт, аудиторлик хуносаси.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим  
муассасалари хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент молия институти

Ректори в.в.с.

С.Мехмонов

2020 йил " 21 " 02



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълим министри  
ривожлантиришадикотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор

З.Т.Хакимов

2020 йил " " "

Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”

Бошқаруви  
Раиси  
ўринбосари

Х.Ў.Рахматов

2020 йил " " "



Акциядорлик тижорат Халқ банки

Бошқарув  
Раисининг  
ўринбосари

Б.Т.Атамурадов

2020 йил " " "

М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети

Ректор

К.Шарипов

2020 йил " " "



Тошкент молия институтининг 5230700 –Банк иши ва аудити  
бакалавриат таълим йўналишини малака талабини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар  
истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ ” 2020 й.

Биз, қўйида имзо чекувчилар – Акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқарув Раисининг ўринbosари Б.Т.Атамурадов, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Бошқаруви Раиси ўринbosари Ҳ.Ў.Рахматов ва Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.Мехмонов, мазкур келишув далолатномасини қўйидагилар ҳакида туздик:

1. 5230700 –Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тұғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тұғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Акциядорлик тижорат Халқ банки, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқишида турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-үқитувчилари, Акциядорлик тижорат Халқ банки, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5230700 –Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – Акциядорлик тижорат Халқ банки, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Акциядорлик тижорат Халқ  
банки Бошқарув Раисининг  
ўринbosари

Б.Т.Атамурадов

Акциядорлик тижорат  
“Алоқабанк”  
Раиси ўринbosари

Ҳ.Ў.Рахматов

Тошкент молия институти  
ректори в.в.б.

С.Мехмонов

**Тошкент молия институтида тайёрланаётган**

**5230700 - Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши бакалавриат таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг битирувчилар касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

Т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
	5230700	<i>Банк иши ва аудити</i>	<p><b>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга булиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- банк-молия соҳасида фаолиятни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;</li> <li>- банк-молия соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;</li> <li>- мавзу бўйича иктисадий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;</li> <li>- интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилиш;</li> <li>- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш;</li> <li>- банк-молия соҳаси фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;</li> <li>- банк-молия соҳасида жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш, улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари хамда механизмларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- банк-молия соҳасида фаолият қўрсатиш ва улар фаолиятининг халқаро хамда миллий талабларига мос келиши борасида жараёнларни назорат қилиш;</li> <li>- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;</li> <li>- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;</li> <li>- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;</li> <li>- банк-молия соҳасининг халқаро хамда миллий мослигини мониторинг қилиш;</li> <li>- банк-молия соҳаси фаолиятини режалаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини кидириб топиш;</li> <li>- банк-молия соҳаси фаолиятини бошқаришнинг замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаш, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- банк-молия соҳаси фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўтказишда замонавий методларни қўллаш;</li> <li>- банк-молия соҳасида хужожатларни расмийлаштириш ва умумлаштириш, молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳамда расмийлаштиришда замонавий методларни қўллаш;</li> <li>- банк-молия соҳасида жараёнларни ҳисобга олишда, молиявий-хўжалик фаолияти ва аудит иши сифатини баҳолашда замонавий ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш;</li> <li>- банк-молия соҳаси фаолиятини таҳтил қилиш;</li> <li>- молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш;</li> <li>- бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича банк-молия соҳасининг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш.</li> </ul>
--	--	---

Акционерлик тижорат Халқ банки  
Бошқарув Раисининг ўринбосари

Б.Т.Атамурадов

Акционерлик тижорат “Алоқабанк”  
Бошқаруви Раиси ўринбосари

Х.Ў.Раҳматов



**5230700 – Банк иши ва аудити таълим йўналиши бўйича бакалавриат**  
**давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги**  
**бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш**

**БАКАЛАВРИАТДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ УМУМИЙ**  
**КЎРСАТКИЧЛАРИ**

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Англия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)
1.	<b>Бошланиши</b>	3 йиллик касб-хунар коллежи, 11 йиллик ўрга таълим мактаби ёки академик лицейдан сўнг	3 йиллик колледж ёки 2 йиллик махсус мактаблардан сўнг	3 йиллик колледж ёки 2 йиллик махсус мактаблардан сўнг
2.	<b>Давомийлиги</b>	4 йил, ўкув режага мувофик.	3 йил, 6 семестр.	3 йил, 6 семестр.
3.	<b>Таълим олувчилик сони</b>	Талабга мувофик	233 та	216 та
4.	<b>Ўтиш жойлари</b>	Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	University of Birmingham	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia
5.	<b>Таълим берувчилар</b>	Мос мутахассислик бўйича профессор-ўқитувчилар ва магистр даражасига эга бўлган мутахассислар (шунингдек, ишлаб чиқаришдан малакали мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин)	University of Birmingham профессор-ўқитувчилари.	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia профессор-ўқитувчилари.
6.	<b>Таълим жараёнини кузатиш ва назорат килиш</b>	Тегишли факультет декани ва декан мувонилари, тегишли кафедра мудири.	Money, Banking and Finance BSc мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудири.	BSc in Banking мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудири.
7.	<b>Диплом</b>	Тошкент молия институти бакалавр дипломи.	University of Birmingham бакалавр дипломи.	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia дипломлари.

## БАКАЛАВРИАТДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИ

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Англия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)
1.	Назарий дарслар	Ўқув режада белгиланган соатлар ва намунавий ўқув дастуридаги мавзулар бўйича ўтказилади	Тегишли фан доирасида ўқитувчи томонидан мустақил ишлаб чиқилган мавзулар доирасида ўтилади ва талабада ўзи хоҳлаган профессор-ўқитувчиси дарсини тинглаш имкони мавжуд.	Таълим жараёнида мажбурий фақат ислом банклари ва ислом молиялаш тизимини ўрганишга қаратилган, назарий дарслар эркин мулоқот ёки ихтиёрий маъқул келган услубларда ўтилади.
2.	Амалий дарслар	Ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар бўйича	Амалий дарслар олдиндан талабалар ва профессор-ўқитувчилар томонидан келишилган мавзуларда кичик-кичик гурухларда талабалар ўзлари ёқтирган услубларда ўтилиши мумкин.	Амалий дарслар ислом молиялаш тизимиға доир ихтиёрий мавзуларда талабаларнинг ўзлаштириш имкониятларини инобатга олган ҳолда турли кўринишларда ва табиатда ҳам ташкил этилиши мумкин.
3.	Амалиёт	З босқичда танишув, ишлаб чиқариш ва бити्रув олди малакавий амалиёт тарзида талаба томонидан танланган тижорат банкларида ўталади.	2 босқичда умумий фаолиятни ўрганиш ва бити्रув олди малака иши бўйича маҳсус амалиёт.	2 босқичда қисқа муддатли иш ўрганувчи ва бити्रув олди мутахассислик амалиёти.
4.	Мустақил таълим	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўнікмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўнікмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўнікмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Талабаларнинг назарий ва амалий кўнікмалар, фанларни ўзлаштириш бўйича билимларини баҳолаш бакалавриат рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтихон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўнікмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади.	Кредитларни топшириш асносида етарли баҳолар олиб борилади ва якунда компьютер ҳамда оғзаки равишда тест ёки саволларга жавоб берилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтихон олишмайди.	Таълим жараёни бевосига оғзаки, ёзма ва компьютерда ўтказиладиган аралаш турдаги саволлар кўринишида олиб борилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтихон олишмайди.

## БАКАЛАВРИАТДА ЎҚИТИЛАДИГАН ФАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Тошкент молия институти 5230700-Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши	Муддати (соатда)	Англия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Муддати (credit – аудитория соатлари)	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)	Муддати (ўқув йили режага мувофиқ)
Табиий-илмий ва гуманитар фанлар	1560	Principles of Economics A	10 credits	Quantitative and Statistical Methods	1 ўқув йили давомида
Ўзбекистонинг энг янги тариҳи	120	Principles of Economics B	10 credits	Introduction to Management	1 ўқув йили давомида
Фалсафа	180	Applied Economics and IT Skills A	10 credits	Business and Communications Skills	1 ўқув йили давомида
Ўзбек (рус) тили	180	Applied Economics and IT Skills B	10 credits	Financial Accounting 1	1 ўқув йили давомида
Хорижий тил	240	Financial and Business Systems	10 credits	Business Economics	1 ўқув йили давомида
Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90	Introduction to Finance	10 credits	Introduction to Banking & Finance	1 ўқув йили давомида
Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	240	Management Accounting	10 credits	Financial Accounting 2	1 ўқув йили давомида
Иқтисодчилар учун математика	390	Principles of Financial Accounting	20 credits	Accounting for Bankers	1 ўқув йили давомида
Жисмоний тарбия ва спорт	120	Advanced Quantitative Economic Methods A	10 credits	Business Law	1 ўқув йили давомида
Умумкасбий фанлар	3360	Advanced Quantitative Economic Methods B	10 credits	Marketing	1 ўқув йили давомида
Иқтисодиёт назарияси	390	European Economic Issues	10 credits	Financial Statement Analysis	2 ўқув йили давомида
Микроиктисодиёт. Макроиктисодиёт	270	Introductory Econometrics A	10 credits	The Financial System	2 ўқув йили давомида
Бухгалтерия ҳисоби	240	Introductory Econometrics B	10 credits	Banking Instruments & Procedures	2 ўқув йили давомида
Молия	210	Macroeconomics A	10 credits	Time Series and Forecasting	2 ўқув йили давомида
Менежмент. Маркетинг	270	Macroeconomics B	10 credits	Management of Financial Services	2 ўқув йили давомида
Статистика	270	Microeconomics A	10 credits	Integrated Business processes with SAP ERP System	2 ўқув йили давомида
Эконометрика 1	210	The Economics of Corporate Finance	10 credits	Financial Econometrics	2 ўқув йили давомида
Иқтисодий таҳлил	240	Corporate Financial Management	10 credits	Business Research Methods	2 ўқув йили

					давомида
Молия бозори ва молиявий технологиялар	210	Regulatory Framework of Banking	10 credits	Financial Management	2 ўкув или давомида
Соликлар ва соликқа тортиш	210	Statistics for Economists	10 credits	Law of Banking & Finance	2 ўкув или давомида
Аудит	270	Economics Extended Essay A	10 credits	Treasury Management	2 ўкув или давомида
Инвестиция ва инновациялар	240	Economics Extended Essay B	10 credits	Credit Management	2 ўкув или давомида
Танлов фан	330	Advanced Finance	20 credits	International Bank Officer	2 ўкув или давомида
Ихтисослик фанлари	1830	Economics of Banking	10 credits	Risk Management in Banking	3 ўкув или давомида
Банк иши	660	Monetary Policy	10 credits	Financial Derivatives	3 ўкув или давомида
Банк ҳисоби, таҳлил ва аудит	540	Applied Economics of the European Community A	10 credits	Corporate Finance	3 ўкув или давомида
Ислом банк иши	150	Business Law A	10 credits	International Banking & Investment	3 ўкув или давомида
Танлов фан	480	History of Economic Thought A	10 credits	Investigations in Banking & Finance	3 ўкув или давомида
Құшимча фанлар	150	Behavioural and Experimental Economics	10 credits	Building Customers Relationships	3 ўкув или давомида
Жами	6900	Economics of Financial Markets	10 credits	Portfolio Management	3 ўкув или давомида
Малакавий ва педагогик амалиётлар	300	Advanced Management Accounting	10 credits	Banking and Finance Project	3 ўкув или давомида
Якуний давлат аттестацияси		Advanced Financial Accounting	10 credits	Control & Audit System	3 ўкув или давомида
Аттестация		Жами:	340 credits	Corporate Restructuring	3 ўкув или давомида
Жами	300			Global Finance	3 ўкув или давомида
<b>ХАММАСИ</b>	<b>7200</b>			Жами:	<b>34 та фан</b>

“Банк иши” кафедраси мудири

и.ф.д., проф.А.Омонов.

Масъул

PhD. Холмаматов Ф.К.

**5230700-Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналишининг  
малака талаби ишлаб чиқилишига**

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

*5230700-Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқида куйидаги меъёрий-хукукий хужжатларга асосланилди:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони;

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори.

Малака талабини ишлаб чиқида бакалавриат таълим йўналиши битирувчилариға кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Олдинги бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми билан қиёслаганда янги малака талаби бўйича бакалавриатда “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” ва “Математик ва таббий-илмий фанлар” блоклари бирлаштирилиб, номи “Гуманитар ва таббий-илмий фанлар”га ўзгартирилди ва умумий юклама ҳажми 15-20 %дан 20-30%гacha оширилди. “Умумкасбий фанлар” блокининг ҳажми 45-50 %дан 30-50 %гача, “Ихтисолик фанлари” блокнинг ҳажми 10-15%дан 20-35 %гача кўпайди. Шу билан бирга бакалавриатда назарий таълим билан ишлаб чиқаришни боғлаш

учун малакавий амалиёт муддатлари 16 ҳафтадан 30 ҳафтага оширилди ва аудитория машғулотларининг ҳафталик юкламаси 32 соатдан 30 соатга қисқартирилди.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон ва Қарорларида таълим-тарбияга йўналтирилган топшириқларнинг ижросини таъминлашга қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чукур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилияtlари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битиruvchilarни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқища мухим аҳамият касб этди

*5230700 –Банк иши ва аудити бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.*

Малака талабини ишлаб чиқища мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютиқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

Тошкент молия институти  
“Банк иши” кафедраси мудири

А.А.Омонов